


## VII. ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ


2020 йилнинг январь-июнь ойларида, вилоятнинг чакана савдо товар айланмаси 7 599,6 млрд. сўми ташкил этиб, 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 0,6 фоизга ўсди. Шу жумладан, йирик корхоналарнинг товар айланмаси 1535,1 млрд.сўми (ўсиш суръати 155,9 %), кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг товар айланмаси 6064,5 млрд. сўми (ўсиш суръати 92,4 %) ни ташкил этди.

**Ҳудудлар кесимида чакана савдо товар айланмаси ҳажми  
(млрд. сўм)**



Чакана савдо товар айланмаси ҳажмида катта улушга эга бўлган Самарқанд шаҳри 41,4 %, Ургуут тумани 10,3 %, Пастдарғом тумани 5,5 %, Самарқанд тумани 4,3 %, Булунғур тумани 5,1 %, Каттақўрғон шаҳри 4,9 %, Пайариқ тумани 3,5 %, Иштихон тумани 3,8 % ва Каттақўрғон тумани 3,7 % чакана савдо товар айланмасининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатди.

**Чакана савдо товар айланмасида  
шаҳар ва туманларнинг улуши, (%)**




2020 йил январь-июнь ойларида чакана савдо товар айланмаси вилоят бўйича аҳоли жон бошига 1951,6 минг сўмни ташкил қилиб, 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 % га камайди. Аҳоли жон бошига чакана савдо товар айланмаси 2020 йилнинг январь-июнь ойларида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан барча ҳудудларда камайиш кузатилиб, энг юқори кўрсаткичлар Самарқанд шаҳри (5745,4 минг сўм), Каттақўрғон шаҳри (4178,4 минг сўм) ва Булунғур тумани (2083,2 минг сўм) ҳиссасига тўғри келди.

### Аҳоли жон бошига чакана савдо товар айланмаси

| Худудлар номи        | Минг сўмда    | Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан,<br>% да. |
|----------------------|---------------|---|
| <b>Вилоят бўйича</b> | <b>1951,6</b> | <b>98,6</b>                                 |
| Самарқанд ш.         | 5745,4        | 109,3                                       |
| Каттақўрғон ш.       | 4178,4        | 98,7  |
| <i>туманлар:</i>     |               |   |
| Булунғур             | 2083,2        | 98,6  |
| Жомбой               | 1500,7        | 95,1  |
| Иштихон              | 1132,7        | 90,2  |
| Каттақўрғон          | 1019,9        | 94,0  |
| Нарпай               | 1037,9        | 94,1  |
| Нуробод              | 1088,9        | 88,8  |
| Оқдарё               | 1185,9        | 94,1  |
| Пайарик              | 1060,3        | 99,0  |
| Пастдарғом           | 1172,8        | 88,3  |
| Пахтачи              | 973,1         | 85,9  |
| Самарқанд            | 1287,3        | 92,1  |
| Ургут                | 1534,0        | 90,0  |
| Тайлоқ               | 1051,1        | 90,9  |
| Қўшрабат             | 1089,7        | 84,9  |

Вилоятнинг барча худудларида чакана савдо товар айланмасининг ўсиш суръатларини камайиши кузатилиб, ўтган йилга нисбатан юқори ўсиш суръатлари Самарқанд шаҳрида қайд этилди.


### Чакана савдо товар айланмасининг ўсиш суръатлари, (%)



Чакана савдо товар айланмаси таркибида йирик корхоналарнинг товар айланмаси ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 55,9 % га ўсди ва 1535,1 млрд. сўмни ташкил қилди. Бу эса умумий савдо ҳажмининг 20,2 фоизини ташкил қилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг чакана савдо товар айланмаси ҳажми статистик ҳисоб-китобларга кўра, 6064,5 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,6 % га камайди. Вилоят миқёсида ушбу секторнинг жами чакана савдо товар айланмасидаги улуши 79,8 % га тенг келдмоқда.

### Чакана савдо товар айланмаси таркиби, (%)




**Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича  
чакана товар айланмаси**

|                     | <i>Млрд.сўм</i> | <i>2019 йилга<br/>нисбатан, % да</i> | <i>Яқунга<br/>нисбатан, % да</i> |
|---------------------|-----------------|--------------------------------------|----------------------------------|
| <b>Жами</b>         | <b>7599,6</b>   | <b>100,6</b>                         | <b>100,0</b>                     |
| <i>шу жумладан:</i> |                 |                                      |                                  |
| давлат мулки        | 0,8             | 60,8                                 | 0,01                             |
| нодавлат мулки      | 7598,8          | 98,9                                 | 99,99                            |

**2020 йил январь-июнь ойларида чакана савдо айланмаси таркиби**

|                               | <i>Млрд.сўм</i> | <i>2019 йилга<br/>нисбатан,<br/>% да</i> | <i>Яқунга<br/>нисбатан,<br/>% да</i> |
|-------------------------------|-----------------|--|--------------------------------------|
| <b>Чакана товар айланмаси</b> | <b>7599,6</b>   | <b>100,6</b>                             | <b>100,0</b>                         |
| <i>шу жумладан:</i>           |                 |  |                                      |
| йирик корхоналар              | 1535,1          | 155,9                                    | 20,2                                 |
| Кичик ва микрофирмалар        | 2078,0          | 93,9                                     | 27,3                                 |
| Норасмий сектор               | 3986,5          | 91,6                                     | 52,5                                 |

**Чакана савдо таркиби  
(фоиз ҳисобида)**



■ Йирик корхоналар    ■ Кичик ва микро фирмалар    ■ Норасмий сектор

Умумий оқатланиш соҳасининг товар айланмаси 135,9 млрд. сўмни ёки 2019 йил январь-июнига нисбатан 72,1 фоизни ташкил этди.